

Ҳидоят



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 марта бошлаган.



Ким бир мўминнинг оғир ишини енгиллатса...

Юртимизда кузатилаётган қишнинг қировли кунлари халқимизнинг меҳр-оқибатлилик фазилатларини яна бир карра синовдан ўтказди. Шундай дамларда муҳтоҷ кишиларга ёрдам кўрсатиш жуда зарур. Шу муносабат илиа Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ташаббуслари илиа барча имом-хатиблар хайрия ишларида фаол бўлишга чорланди.

Албатта, мусулмоннинг бошига тушган синовли кунларда ёрдам кўлини чўзиш Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларидир. Зеро, Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расууллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким бир мўмандан дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат кунининг машаққатларидан бирини аритади. Ким бир камбагалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг дунёю охират ишларини енгиллатади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ таоло**

ҳам уни дунё ва охиратда айбини беркитади», деб марҳамат қилгандар (Ином Термизий ривояти).

Ином-хатибларимиз ҳомийлар билан биргаликда республика миқёсида эҳтиёжманд оиласарга 2 млрд. 60 млн. сўмлик хайрия ишларини амалга ошириди.

Хусусан, шу йил 10–13 январь кунлари Тошкент вилоятидаги 427 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласа жами 463 млн. сўмга яқин озиқ-овқат маҳсулоти, печлар, кийим-кечаклар тарқатилди. Шунингдек, вилоятнинг чекка худудлари, жумладан, Пискент, Паркент, Бўка, Чиноз ва Оққўрон туманларида истиқомат қилаётган 55 та оиласа жами 15 млн. сўмлик кўмир етказиб берилди.

Тошкент шахри имом-хатиблари ҳам худудларда кам таъминланган, ёрдамга муҳтоҷ оиласар учун ташкил этилаётган хайрия тадбирларида фаол иштирок этишди. Масалан, пойтахтдаги кўплаб хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотлари, вилоятлардаги муҳтоҷ оиласарга печ, кўмир

каби жами 449 млн. сўмлик моддий ёрдам тарқатилди.

Фарғона вилоятида 834 та кам таъминланган оиласа 365 млн. сўмлик кўмир тарқатилди. Худди шундай хайрия ишлари Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида ҳам амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, имом-хатибларнинг хайрия ишларидаги фаолликлари таҳсинга лойиқ. Юнусобод туманидаги “Омина” масжиди имом-хатиби Юсуфхон Муҳиддинов ҳомийларни жалб этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида бокувчисини йўқотган 150 та хонадонга озиқ-овқатлар ҳамда 450 миллион сўмлик пул маблағини ҳадя қилишиди.

Дарҳақиқат, эл бошига иш тушганда жисплашиш, ҳамжихат бўлиш – халқимизга хос фазилат. Бу безавол қадриятларимиз Ислом таълимоти асосида янада гуллаб-яшнайди.

Бахридин ХУШБОҚОВ

Адолат – динимиз шиори

Сулаймон алайҳиссалом фатвоси

«Довуд ва (ўғли) Сулаймоннинг экинзор хусусида хукм қилган кезларини (эсланг!) Ўшанда унга қавмининг қўйлари (тунда) кирган (ва уни пайҳон қилган) эди. Биз уларнинг (чиқарган) ҳукмига шоҳид эдик. Бас, Биз уни Сулаймонга англатдик. Биз ҳар иккисига ҳикмат (пайғамбарлик) ва илм ато этдик...» (Анбие сураси, 78–79-оятлар).

Бир одамнинг қўйлари кечаси бирорнинг экинзорига кириб, пайҳон қилади. Шунда улар тортишиб қолишиб, муаммоларини ҳал қилиб беришини сўраб, Довуд алайҳиссаломнинг хузурига келишади. Довуд алайҳиссалом қўйлар экинзор эгасига, экинзор эса, қўйларнинг эгасига берилсин. Қўйларнинг эгаси экинзорни аввалги ҳолига келтиргунича экинзор эгаси қўйларнинг сути, жуни ва қўзиларидан фойдаланиб турсин.

2-бетда

сўради. Улар Довуд алайҳиссаломнинг фатвосини маълум қилишади. Бу фатводан қониқмаган Сулаймон алайҳиссалом уларнинг иккиси билан отасининг хузурига қайтиб кириб, кўйидаги ечимни таклиф қилади: қўйлар экинзор эгасига, экинзор эса, қўйларнинг эгасига берилсин. Қўйларнинг эгаси экинзорни аввалги ҳолига келтиргунича экинзор эгаси қўйларнинг сути, жуни ва қўзиларидан фойдаланиб турсин.

№ 3 (716) 15.02.2023 | 44.07.1444

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 3 февраль куни Бўстонлик туманидаги Қораманас қишлоқ фуқаролар йигинида “Оқота” жоме масжиди очилиш маросими бўлди. Тадбирда вилоят бош имом-хатиби Жасурбек Раупов, туман имомлари, маҳалла фаоллари, нуроний отахонлар, ҳомийлар иштирок этди. Масжид 600 ўринли, гумбази баландлиги 18–20 метр.

✓ 4–8 февраль кунлари Миср Араб Республикасининг Коҳира шаҳрида ўтган 29-халқаро Қуръони карим мусобақасида 58 мамлакатдан жами 108 нафар қори иштирок этди. Ўзбекистон номини Тошкентдаги “Мирбобо ота” жомеси имом ноibi Аълоҳон қори Нуридинов ҳифз йўналишида ҳимоя қилди.

✓ 6 февраль куни юз берган кучли зилзилада кўплаб одамлар қурбон бўлгани муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуридин домла Холиқназаров Туркия динати ишлари бошқармаси раиси Али Эрбошга ҳамдардлик мактуби йўллади.

✓ “Умра–2023” мавсуми зиёратчиларига хизмат кўрсатадиган барча худудлардаги гуруҳ раҳбарлари (эллиқбошилар)га “ZOOM” дастури орқали икки марта онлайн ўқув машғулот ўтказиш йўлга кўйилди.

✓ 6–8 февраль кунлари Жазоир Вақфлар ва Дин ишлари вазирлиги томонидан “Исрор ва Мерьор” куни муносабати билан 18-халқаро онлайн Қуръони карим мусобақаси бўлиб ўтди. Унда юртимиз номидан Ином Бухорий номидаги Тошкент ислом институти 1-курс талабаси Сирожиддин қори Жалилов Жазоирнинг Zoom дастури орқали қатнашиди.

✓ 9 февраль куни “Ҳидоят” ва “Мўміналар” журналлари ҳамда “Ислом нури” газетасининг 2023 йилги обунасида уюшқоқлик кўрсатган Наманган вилояти вакиллиги икки кишилик Умра сафари йўлланмаси билан тақдирланди. Ана шундай йўлланмани сал олдинроқ Самарқанд вилояти вакиллиги қўлга киритган эди.

Аллоҳ таоло қеңиғұруғын ва ғаҳмлидір


“Кимда-ким бирор ёмон иш қылса ёки ўз жонига жабр қылса, сүнгра Аллоҳдан кечирим сұраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирудчан ва ғаҳмли эканини билади» (Нисо сұраси, 110-оят).

Заҳхок айтади: «Бу оят Ҳамза розийаллоҳу анхұнинг қотили Ваҳший ҳақида нозил бўлган. У мушрик эди, Ҳамзани ўлдирди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб: “Мен қылган ишимдан афсус-надоматдаман. Мен учун тавба борми?” деди. Шунда “Кимда-ким бирор ёмон иш қылса...” ояти нозил бўлди».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анху айтади: «Ким (Нисо

сұра(си)даги бу икки ояти қаримани ўқиса, сүнг истиғфор айтса, у мағфират қилинади: “Агар улар үзларига зулм қилгач, дарҳол Сизга келишиб, Аллоҳдан кечирим сұраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун кечирим сұраганда, Аллоҳни кечирудчан ва ғаҳм-шафқатли эканини билган бўлур эдилар” (64-оят). “Кимда-ким бирор ёмон иш қылса ёки ўз жонига жабр қылса, сүнгра Аллоҳдан кечирим сұраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирудчан ва ғаҳмли эканини билади” (110-оят).

Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анху: “Қайси банда бирор гуноҳ қылса-ю, сүнг таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиса ва Аллоҳ таолога истиғфор айтса, албатта, у мағфират қилинади”, деди-да, бу оятни тиловат қилди: («Кимда-ким бирор ёмон иш қылса ёки ўз жонига жабр қылса, сүнгра Аллоҳдан



кечирим сұраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирудчан ва ғаҳмли эканини билади»).

Хубайб ибн Абу Собит айтади: «Абдуллоҳ ибн Муғаффал розийаллоҳу анхұнинг олдига бир аёл

келиб, бузуклик қилиб ҳомила-дор бўлиб, туққач, боласини ўлдирган аёл ҳақида сўради. Ибн Муғаффал: “У дўзахий бўлади!” деди. Аёл йиғлаганча қайтиб кетаётган эди, Ибн Муғаффал уни чақириб бундай деди: “Кимда-ким бирор ёмон иш қылса ёки ўз жонига жабр қылса, сүнгра Аллоҳдан кечирим сұраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирудчан ва ғаҳмли эканини билади”, оятини тиловат қилди. Оятни эшитган аёл кўз ёшларини артиб, қайтиб кетди».

Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анхұмо айтади: “Ким бирор кичик ёки катта гуноҳни қилиб қўйиб, сүнг Аллоҳга истиғфор айтса, гарчи унинг гуноҳлари осмонлару Ердан ва тоғлардан-да каттароқ бўлса ҳам, Аллоҳ таолонинг кечирудчан ва ғаҳмли эканини билади” (“Тафсиру Табарий”).

Манбалар асосида
Боборавшан РАСУЛОВ
тайёрлади.

Ақида

Қийинчилик, бало, ғам ва синов ҳақида

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодида Аллоҳ таоло томонидан имтиҳон ва синов бўлиши жоиз. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Эсланг, Иброҳимни бир неча сўзлар билан Рабби имтиҳон қилганида, уларни мукаммал адо этди...» (Бақара сұраси, 124-оят). Бу оядта Иброҳим алайҳис-саломнинг имтиҳон қилингани ҳақида хабар берилмоқда.

«(У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблирок) амал қилувчи эканингизни синашучун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир...» (Мулк сұраси, 2-оят). Шунингдек, У Зот бандаларини имтиҳон қилишига буюрган: «Эй

мўминлар! Қачон сизларга (Маккадан) мўмина аёллар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб кўрингиз!..» (Мумтахина сұраси, 10-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “**Бало** (синов), **ҳаво** (истик, майл, хоҳии) **ва шаҳват** Одам алайҳиссалом табиатига қўшиб қорилган”. “Энг қаттиқ синов – биз пайғамбарлар жамоасига, ундан кейин авлиёларга, сүнгра уларга ўхшиашларга ва ундан кейин уларга ўхшиашларга етади” (Имом Термизий ривояти).

Имтиҳон ва синовдан мақсад хужжатни лозим қилиш, бандада мавжуд нарсани ўзига кўрсатиб

қўйиш ва қылган амалини унга билдириб қўйишидир. Ғам-ташвиш ва қасаллик унинг гуноҳларига каффорат бўлади ва шу орқали даражаларини зиёда қилади. Набий алайҳиссалом: “**Бир кечалик иситма бир йиллик** (гуноҳ) **га каффоратдир**”, деб марҳамат қилганлар.

Аллоҳ таоло маҳлуқларни Ўзининг бандалари (қуллари) қилиб яратди. Муҳтожлик банданинг сифатидир. Маълумки, меҳнат ҳам инсонга оғирлик ва мاشаққат туғдиради. Таҳоратсиз намоз жоиз эмас. Сувсиз таҳорат қилиш имкони йўқ. Кўпинча сув қудук қазишдан ҳосил бўлади. Бу ишлар

ҳам инсонга машаққат ва қийинчилик етказади.

Аллоҳ таоло ёз фаслини азият берувчи иссиқ, қиши фаслини эса маҳлуқотларга талафот етказувчи совуқ қилиб яратди. Аллоҳ таоло бу сабабларни машаққат, қийинчилик, азият ва талафот сифатида жорий этган. Буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг қазоси, қудрати, ҳикмати ва хоҳиш-иродаси туфайли юз беради.

Соатмурод ПРИМОВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
Илмий ишлар ва фан бўйича проректори

Адолат – динимиз шиори

① 1-бетда

Эқинзор аввалги ҳолига келгач, әқинзор ҳам, қўйлар ҳам ўз эгаларига қайтарилади.

Довуд алайҳиссалом бу ҳукмнинг ўзи чиқарган ҳукмдан кўра адолатлироқ эканига қаноат ҳосил қилгач, ўғли айтгандек фатво берди.

Қўйидаги воеа ҳам Сулаймон алайҳиссаломнинг

ҳакамлик маҳоратини намойиш этади.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Икки аёлнинг чақалоқ ўғиллари ёнма-ён ётганди, бир пайт бўри келиб болалардан бирини олиб қочди. Аёлларнинг бири: “У сенинг болангни олиб кетди”, деса, бошқаси: “Йўқ, сенинг болангни олиб кетди, бу бола меники”, деб

тортишиб қолишиди. Охири масалани Довуд алайҳиссаломгача кўтариб чиқишиди. Довуд алайҳиссалом болани аёллардан ёши каттароғига берди. Аёллар чиқиб кетатуриб Сулаймон алайҳиссаломга дуч келишиди ва воқеани унга тушунтиришиди. Сулаймон алайҳиссалом: “Менга пиçoқ келтиринг, иккингизга болани бўлиб бераман”, деди.

Аёллардан ёшроғи: “Йўқ, ундан қилманг, Аллоҳ сизга ғаҳм қилсин, бола, ҳақиқатан, уники”, деди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом бола ёшроқ аёлники, деб ҳукм чиқарди» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси ўринбосари

Набий алайхиссаломнинг муомаладаги олижанобликлари*

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари билан сұхбат қилиб турған ёки савол сұраган кишининг сүзини эътибор билан эшитар, уларни қабул қиласыра илтифот күрсатар әдилар.

Анас розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Бирон киши Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қулоқларига шивирлаганини, яъни маҳфий гапирганини кўрмаганман. У зот муборак бошларини ундан (сўзловчидан) узоқ тутар, у киши ҳам бошини узоқ қиласыра әди¹.

Амр ибн Ос розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хулқи бузук кишиларга ҳам гавдалари билан ўгирилиб гапирар әдилар. Шу боис Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёмон кўрган кишилар ҳам яхши кўриб қолишарди².

Салом берган кишига, ундан-да чиройлироқ тарзда жавоб қайтаришар әдилар. Бирон киши билан кўришсалар, у кўлини тортиб олмагунча биринчи бўлиб қўлларини тортмас әдилар³.

У зот очиқ юзли ва табассумли киши әдилар. Бирор киши ҳузурларига келса, уни чиройли қабул қиласыра әдилар. Аммор розийаллоҳу анху келганда: «Марҳабо, эй ўзи яхши, яхшиликка ёрдам берувчи одам!» деганлар⁴.

У зот ҳузурларига келган кишини гўзал кўриниша қарши олар, саҳобалари келса: «Аҳволингиз яхшими?» деган сўзлари билан ҳолаҳвон сўрар ва: «Аллоҳ сизни яхшиликда қилсан», дер әдилар.

Бирор қавмнинг улуғлари, ҳурматли кишилари келса, ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, кийимларини уларнинг остига тўшар әдилар. Бир куни у зот саҳобалари билан ўтирганларида Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий деган киши кириб келди ва хонада ўтиришга жой йўқлигидан остоңага ўтириб қолди. Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарҳол кийимларини ечиб, унга узатдилар. Жарир кийимни олиб, юзига сурди, ўпди, йиғлади ва ўзларига қайтариб: «Мени ҳурмат қилибсиз, Аллоҳ сизни ҳурмат қилсан! Сизнинг кийимингизни асло тагимга тушамайман», деди. У зот ўнгга-чапга қараб: «Ҳузурингизга бир қавмнинг улуғи келса, уни ҳурмат қилинглар», дедилар⁵.

* Давоми, бошланниши ўтган сонларда.



Сўзда ва савол сўрашда қавмнинг ёши улуғларини биринчи ўринга қўйиб: «Каттадан бошлиланглар», дер әдилар⁶.

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сұхбатдошлари шариатда рухсат берилган сўзларни гаплашиб ўтирасалар ёки мубоҳ бир ҳолатда бўлсалар, уларга монелик қилмасдилар. Гуноҳ бўлмаган ишлар ҳақида сўз очилса, гапга қўшилардилар.

Хорижа ибн Зайд розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунё ҳақида гап кетса, бизга қўшилиб дунёни зикр қилас, охиратни эсласак, бизга қўшилиб охиратни эслар әдилар. Таом ҳақида гаплашсак, бизга қўшилиб, таом ҳақида гапирадилар⁷.

Жобир ибн Самура розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Улар (саҳобалар) жоҳилиятда бўлиб ўтган ишлар ҳақида гаплашар, кулишар әдилар. Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам индамай, табассум қилиб қўяр әдилар⁸.

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларини кўпинча табассум билан қарши олар, уларга нимадир гапирмоқчи бўлсалар, гўзал ифодали иборалар билан сўзлар әдилар.

Умму Дардо розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Абу Дардо бирор гап гапирса, табассум қиласыра әди. Мен унга: «Гапирганингизда одамлар сизни аҳмоқ деб ўйламайдими?» дедим. У: «Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бирор сўз гапиргандарини эшигтан ё кўрган бўлсан, албатта, табассум қиласыра әдилар», деди».

«Бир гуруҳ ҳабашийлар масжидда найза ўйнатиб машқ қилаётгандаридан Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша розийаллоҳу анхога томоша қилишга рухсат бердилар. Ойша розийаллоҳу анхо у зотнинг елкалари га суюниб туриб, томоша қилдилар⁹. Бир ривоятда: «Ҳабашийлар рақсга тушар ва: «Мұхаммад – солиҳ банды», дейишарди», дейилган¹⁰.

Ибн Саъд розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаъфарга: «Хилқатимга ҳам, хулқимга ҳам ўхшайсан», дедилар. Жаъфар хурсандлигидан ўрнидан туриб, у зотнинг атрофларида алланиб ўйнай бошлади». Бошка бир ривоятда Али розийаллоҳу анхуга: «Сен мендансан, мен сенданман», дедилар. Зайд розийаллоҳу анхуга эса: «Сен бизнинг биродаримизсан, мавлойимизсан», деганлар. Учовлари, яъни Жаъфар, Али ва Зайд розийаллоҳу анхулар Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг атрофларида ўйинга тушиб кетиши. Абу Довуднинг ривоятида: «Жаъфар туриб ўйнади, Зайд туриб ўйнади», деган лафз келтирилган¹¹. Ҳоғиз Суютий айтади: «Ўйинга тушиб кетганлари кўпроқ Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улар ҳақида айтган гапларидан суюнгандаридан бўлган. Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам уларни бундан қайтамаганлар».

Имом Ҳоким Ойша розийаллоҳу анхудан ривоят қиласыра ҳадисда: «(Тўйда) ўйин-кулги ҳам бўлдими? Ансорлар ўйин-кулгини яхши кўради-ку», дейилган. Бу ҳадисда нафс малолланиб, қийналаб қолганда унга бироз дам бериш ва уни роҳатлантириш кераклигига ҳужжат бор.

Сайид Мұхаммад Ҳасанининг «Иккى олам сарвари» асаридан Фиёсiddин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси.

¹ Имом Абу Довуд ривояти.

² Имом Табароний ривояти.

³ Имом Баззор ва Имом Табароний ривояти.

⁴ Имом Термизий ривояти.

⁵ Аскарий ривояти.

⁶ Имом Бухорий ривояти.

⁷ Имом Термизий ва Имом Табароний ривояти.

⁸ Имом Муслим ривояти.

⁹ Имом Бухорий ривояти.

¹⁰ Имом Аҳмад ривояти. Изоҳ: Бу ерда рақс дегандан ўзларининг урф-одатларига хос ўйнаш назарда тутилади.

¹¹ Ироқий бу ривоятнинг санадини ҳасан деган.

Масала

Намозга доир фатволар

344-ФАТВО

Жума куни заводдан олдин ёки кейин сафарга отланиш макруҳ эмас. Лекин киши шаҳардан чиқиб кетгунига қадар жума вақти ўтиб кетмаслигини билса, жума намозини ўқиб, сўнг кетиши лозим.

«Оламгиря», «Мұхит»

345-ФАТВО

Одатда кишиларда икки хилватан бўлади. Биринчиси, ватани аслий, яъни аҳли оиласи билан яшайдиган жой. Иккинчиси, ватани иқомат, яъни ватани аслийдан вақтинча чиқиб, ўн беш кун ёундан кўп муддат туршини ният қилган яшаш жойи. Ватани аслийдан аҳли оиласи билан иккинчи ватана гўчиб борса, биринчи жойига борганида мусофири бўлади. Аммо иккинчи яшаш жойидан янги оила курса, иккинчи жойи ҳам ватани аслийга айланади. Сафарга чиқиб ё сафар масофасидаги жойда ўн беш кун ёундан ортиқ муддат тургач, ватани аслийга қайтганда иқомат ниятини қилиш лозим бўлади.

«Оламгиря», «Кифоя», «Табиин»
Изоҳ: ўн беш кун ёундан кўп муддат туршига азму қарор қилиш иқомат нияти дейилади.

347-ФАТВО

Намоз ўқиси, ўғри ва қароқчилар нарсаларини талаб кетишидан хавфсираган мусофири намозни (охирги вақтигача) кечикириши мумкин.

«Оламгиря», «Ғароиб»

348-ФАТВО

Фарз намозини узрсиз улов устида ўқиш жоиз эмас. Бу ердаги узрга: уловдан тушса, ўзи, кийими ё уловига ўғри, йиртқич ёки душман тажовуз қилишидан қўрқиши; уловга қайтиб менинб олишига кўзи етмаслик; ерлой бўлиб, қуруқ жойнинг йўқлиги кабилар киради.

«Оламгиря», «Шарҳул Канз», «Мұхит»

5-бетда



Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анхумо ривоят қиласиди: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ислом беш нарса асосига барто этилган: Аллоҳ таолодан бошиқа бирор илоҳ йўқ эканига, Мұхаммад алайҳиссалом Унинг расули эканига иқрор бўлиши, беш вақт намозни адо қилиши, закот берши, Рамазон рӯзасини тутиши ва Байтуллоҳи ҳаж қилиши», деганларини эшийтдим» (Муттафакун алайҳ).

Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди: «Айтинг (эй Мұхаммад!): «Эй одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расули (элчиси) дирман. У (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги измида бўлган Зотдир, Ундан ўзга (хеч бир) илоҳ йўқ. (У) тирилтиради ва ўлдиради. Аллоҳга ва Унинг расулига иймон келтиргиз! У (расули) Аллоҳга ва Унинг калималари (илоҳий китоблари) га

Ислом арконлари

ишонадиган уммий (ўқиши-ёзишни билмайдиган) пайғамбардир. Унга эргашингиз, токи ҳидоят топгайсиз!» (Аъроф сураси, 158-оят).

Намоз Ислом динининг иккичи рукнидир, бандадан қиёмат куни биринчи сўраладиган амал намоздир.


Закот Аллоҳ таоло фарз қилган молиявий ибодатdir. Қуръони каримда Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди: «Уларнинг молларидан садақа олинг. Бу билан уларни поклайсиз, тозалайсиз ва уларнинг ҳаққига дуо қилинг» (Тавба сураси, 103-оят).

Закотда инсонларга яхшилик қилиш, уларни тиланчиликдан холос қилиш каби гўзал фойдалар бор. Закот бермаслик Ер юзидан бараканинг кўтарилишига сабаб

бўлади. Бурайда розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Қайси бир қавм зикотни ман қилса, Аллоҳ таоло улардан қатара (сувни ҳам тўйсиб қўяди)» (Ҳоким ва Байҳақий ривояти).

Рамазон рӯзасини тутиш мусулмон киши иймонини сақлади. Рӯза банданинг ҳимматини оширадиган иймоний озуқадир.

Ҳаж ҳижратнинг тўққизинчи иили фарз қилинди. Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди: «Одамлардан йўлига қодир бўлганларига Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ лозимдир» (Оли Имрон сураси, 97-оят). Аллоҳ таоло ҳаж ибодатини биз мусулмонларга гуноҳлардан холос бўлишимиз учун фарз қилган. Абу Хурайра розийаллоҳу анхудан



ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, фаҳи сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онасидан янги түзилгандек (гуноҳлардан пок) бўлиб қайтади», деб марҳамат қиладилар (Ином Бухорий ривояти).

Манбалар асосида “Қўқалдош” ўрта маҳсус ислом билим юрти мударриси Авазбек ЖУМАБОЕВ тайёрлади.

Моҳият

Давлатимиз раҳбари таклифи билан 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номлангани кўпчиликни қувонтириди. Сабаби, бундан кўзланган мақсад мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада ошириш, одамларнинг баҳтили турмуш кечиришига эришишдир.

Дарҳақиқат, инсон – азизу мукаррам зот. Муқаддас динимиз инсон қадрини ниҳоятда юксак даражага кўтаради, дунёдаги барча нарсалар унга хизмат қилиш учун яратилганини уқтиради.

Қуръони каримда марҳамат қилинади: «Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу дengizda (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар илиа ризқлантиридик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзal қилиб қўйдик» (Исрор сураси, 70-оят).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам: «Мўмин киши Аллоҳ таоло наздида баъзи фаршиштадардан ҳам мукаррамдир», деганлар. Демак, инсонга инсондек муносабатда бўлиш ҳар бир жамиятнинг устувор вазифаси бўлиши керак.

Амр ибн Шуайб отасидан, укиши бобоси розийаллоҳу анхудан ривоят қиласиди: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кичикларимизга раҳм қилмаган, каттатаримизни қадрламаган биздан эмас”, дедилар» (Ином Абу Довуд ривояти).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “биздан эмас” дейишлари жуда оғирлафзидир. Бу “мусулмон эмас”, “меннинг умматим эмас” деган маънони англатади. Нима учун ёши каттатарни қадрлаш, ёшларга раҳм қилиш нақадар юксак мақомга қўйилмоқда? Чунки инсонлар бир-бирига сийлаи раҳм қилмас, ҳурмат қўрсатишмас экан, ўртада меҳр-оқибат, бирдамлик, аҳиллик

йўқолади. Исломнинг асосий таомонилига путур етади.

Энди таълим олиш масаласига тўхталсан. Албатта, инсоннинг камолотини таълим-тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун динимизда фарзанд тарбиясига ўта муҳим вазифа деб қаралади. Тарбия эса илм билан ҳосил бўлади.

Аллоҳ таоло Тахрим сурасининг 6-оятида: «Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг», деб марҳамат қиласиди. Ибн Мардавайҳ Зайд ибн Асламдан қуйидаги ҳадисни ривоят қиласиди: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг» оятини тиловат қилганларида одамлар: “Ё Расууллоҳ, (ўз нафсимизни-ку сақлаймиз, аммо) аҳлимизни қандай сақлаймиз?” деб сўрашди. У

зот: «Аллоҳ таоло яхши кўрган ишларга уларни буюрасизлар ва Аллоҳ таоло ёмон кўрган нарсалардан уларни қайтарасизлар», деб жавоб берганлар (“Дуррул мансур”. Суютий).

Ҳазрати Али розийаллоҳу анху «Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг» оятини “Ўзингизга ва аҳлинингизга яхшиликни таълим беринглар ва уларни одобли қилинглар”, деб тафсир қилган (Ином Ҳоким ривояти).

Хулоса ўрнида айтиш жоиз, илм олишни асло тўхтатмаслик зарур. Зоро, бешикдан то қабргача илм олиш лозим. Қиёматда илм ўз соҳибининг зарарига ёки фойдасига хужжат бўлиши мумкин. Фойдали илм олиб, унга амал қилгандар дунёю охиратда саодатманд бўлишади.

Санжарбек САПАЕВ,
Хива тумани бош имом-хатиби

Тушунча

“Мукаллаф” деганда Аллоҳ таолонинг амр ва қайтариқларини бажаришга лаёқатли бўлган мусулмон кишилар тушунилади.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди: «Инсон ва жинларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Зориёт сураси, 56-оят).

Банданинг зиммасига шаръий ҳукмлар вожиб бўлиши ва у ҳақда охиратда саволга тутилиши учун уч шарт бор: мусулмон бўлиши; ақли соғлом бўлиши; балоғатга

Мукаллафларнинг феъллари

етган бўлиши. Аксинча бўлса, уларнинг амр ва қайтариқлар борасида жавобгарлиги йўқ.

Шаръий амр ва қайтариқлар саккиз турга бўлинади: фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, макрух, ҳаром, муфсид. Булар яна учга бўлинади: бажарилиши лозим бўлган амаллар, тарқ қилиниши лозим бўлган амаллар ва ихтиёрий амаллар.

Масалан, «Намозни тўқис адэтинглар» (Нур сураси, 56-) оятига кўра, намоз ўқиши бажарилиши лозим бўлган (фарз) амалдир. «Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг» (Моида сураси, 90-) оятига мувофиқ, ичкилик ва қимордан четланиш тарқ қилиниши лозим бўлган (ҳаром) амалдир.

«Денгиз ови ва унинг таоми сизга ва сайд қилувчиларга ҳалол қилинди» (Моида сураси, 96-) оятига кўра, денгиз ҳайвонларини овлаш ва истеъмол қилиш ихтиёрий (мубоҳ) амалдир.

Закийиддин Шабаннинг “Усуул фиқҳ” ва Айтак Айдиннинг “Ислом ҳуқуқининг 200 атамаси” китоблари асосида Абдувоҳид ЎРОЗОВ тайёрлади.

Куръон ва суннатга ўзи тушунгандай амал қилиш оқибатлари*

Биринчи муаммо

Мазҳабларни инкор қилувчилар Куръон ва суннатга тўғридан-тўғри эргашишга тарғиб қилишади. Яъни, ҳар ким Куръони карим ва ҳадиси шарифларга тўғридан-тўғри – ўзи тушунгандай амал қилиши керак, дейишади. Ҳолбуки, бундай қилиш кўплаб муаммо ва хатарларни келтириб чиқарди.

Муаммо ва хатарларнинг биринчиси, киши бу ҳолатда ўзини мужтаҳид ҳисоблай бошлайди. Куръони карим ва суннати мутахҳаранинг таржималари га мурожаат қиласи ва табиийки, кўп ҳолларда хатога йўл қўяди. Бундай хато нафақат унинг ўзига, балки атрофидагиларга ҳам салбий таъсир қиласи. Бу ҳолатни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак ҳадисларида охир замон аломатлари сифатида санағанлар: «Қачонки, одамларнинг ўз баҳиллукларига тобелиги, ҳавои нағсларига эргашаётгани ва ҳар ким ўз раъи (фикри) билан

қаноатланганини кўрсанг...» (Имом Термизий ривояти).

Бошқа ривоятда: «Кишининг ўз раъи билан қаноатланиши ва бу ҳаммасидан оғир (ёмон) роғидир», дейилган («Шуабул ийман»).

«Ушибу умматнинг охиргилари аввалгиларини лаънатлади» (Имом Абу Довуд ривояти).

Мужтаҳид бўлмаганларнинг Куръон ва суннатга тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари нималарга олиб келишига доир иккита мисол. Буларни Имом Муҳаммад Зоҳид Кавсарий раҳимаҳуллоҳ келтирган.

Биринчи мисол. Бир одам ҳар истинжо қилганидан кейин витр намозини ўқир эди. Ундан нега бундай қилиши ҳақида сўрашганди, у қуйидаги ҳадисни келтирган: «Ким истижмор (истинжо) қиласа, бас, витр қилсин» (Имом Термизий ривояти).

Араб тилидаги “витр” сўзининг луғавий маъноси тоқ сонни ҳам, витр намозини ҳам англатади. Витр намозининг номланиши унинг тоқ (уч ракат) лигидан келиб чиқкан. Бу одам ҳадисдаги “витр”ни намоз маъносига (!) тушуниб

олган. Ҳадиснинг ҳақиқий маъноси эса ким таҳорат ушатганидан кейин истижмор қиладиган (аъзосини тош-кесаклар билан қуритадиган) бўлса, тош-кесакларни тоқ (битта, учта, бешта...) қилсин, деганидир.

Иккинчи мисол. Яна бир одам бирорнинг бодини суғориш тақиқланади деб ҳисоблайди. Унинг бундай хуносага келиши қуйидаги ҳадисга асосланади: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган киши учун бирорнинг экинини ўзининг суви билан сугормоғи ҳалол бўлмайди» (Имом Абу Довуд ривояти).

Бу одам ҳам ҳадиснинг луғавий маъносини тушуниб олган. Ҳолбуки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадисни мажозий маънода айтганлар. Ҳадисдан ирова қилинган маъно эса ҳомиладор аёлга ўйланган киши то аёл туғмагуница у билан яқинлиқ қилмай турсин, дегандир.

Демак, шаръий насс (матн)лардан ҳукм олиш учун араб тилини билишнинг ўзи кифоя қилмайди.

«Нега мазҳабга эргашилади?» китобидан
Азизбек ХОЛНАЗАРОВ таржимаси

*Давоми, бошланиши ўтган сонда.

Азизлар ёди

Абдулҳамид ибн Саид Термизий

XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаб ўтган Абдулҳамид ибн Саид Термизий ўз даврининг етук уламоси бўлган. Термиз туманининг Паттакесар қишлоғида туғилган бу зотнинг каромат соҳиби экани болалигига аён бўлган. Олти яшар чоғида ғойибона тарзда уйларига ким ёки қандай инсон меҳмонга келаётганини айтиб берган.

Абдулҳамид ибн Саид ёшликтан диний таълимни мукаммал ўзлаштиради. Афсуски, алломанинг ота-онаси, устозлари кимлиги, укиши қаерларда таълим олгани ҳақида аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган. Ривоятларда укиши самарқандлик мутасавиф ҳожи мулла Вали Азизонга мурид тушиб, бир неча йил хизматида бўлгани ва у зот вафотидан сўнг Термизга қайтиб келгани айтилди. Абдулҳамид Термизий ҳадис илмидан ёшларга сабоқ берган ва Куръонни гўзал қироат қилган.

Очиқ чеҳрали, юзидан нур ёғилиб турувчи бу зот табобат илмидан ҳам чуқур хабардор бўлиб, машҳур табиб сифатида ном

таратган. Узоқ жойлардан беморлар уни излаб келишган.


Ўша даврдаги Мовароуннаҳр хукмдорлари алломани ҳурмат қилишган ва ўзаро низоли масалалар келиб чиққанда, унинг маслаҳатига амал қилишган.

Маълумотларга кўра, олимнинг ҳаёти фожиали якун топган. Душманлари фаразгўйлик, кўра олмаслик сабаб у зотни йўқ қилиш пайига тушадилар. Бундан хабар топган олим бомдоддан олдинроқ Бойсун сари отланади. Ичи қора кимсалар пайқаб қолиб изидан тушишади. Ҳозирги Музработ туманининг Деҳиболо қишлоғига етганида, ортидан қувиб келган 4–5 отлиқ киши уни ваҳшийларча ўлдиради. Қариндошлари суриштириб келишса, кимсасиз чўлда дуч келган чўпонлар иккичу кун олдин ваҳшийларча ўлдириб кетилган нотаниш қишининг жасадини

қўмганини айтишади. Улар қабрни очиб, Абдулҳамид ибн Саид Термизийнинг шаҳид бўлганини кўришади ва маййитни шу жойга қайта дағн этишади.

Мехнат фахрийи Ҳайдар Сафаров ташаббуси билан қабр атрофи ўралиб, ободонлаштирилди ва зиёратгоҳга айлантирилди.

Юнус ХОЛМУМИНОВ,
“Мехнат шуҳрати” ордени соҳиби



Масала

3-бетда

350-ФАТВО

Сузиб бораётган кемада намозни тик туриб ўқишига қодир бўлган одамнинг беузр ўтириб намоз ўқиши макрух. Бу Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ сўзларидир. Аммо Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ наздида унда ўтириб ўқиш жоиз эмас. Демак, сузиб бораётган кемада беузр ўтириб намоз ўқимаслик лозим. Кема боғлиқ ҳолда сузмай турган бўлса, барча уламолар наздида беузр ўтириб намоз ўқиш жоиз эмас.

«Оламгиря», «Таҳзизб»

351-ФАТВО

Жума намозининг фарзлиги Куръон, суннат ва ижмо билан собит бўлган. Жуманинг фарз бўлиши учун намозхонда олтида шарт топилиши керак. Яъни, шаҳарда яшаш, сиҳат-саломатлик, ҳуррият (яъни қул бўлмаслик), эркак ва балоғат ёшида бўлиш ҳамда кўз билан оёқларнинг соғлом эканлиги. Саломатлик, шаҳарда яшаш, ҳуррият, эркаклик каби шартлар топилмаган кишилар жума намозини ўқисалар, жоиз ҳисобланади, пешин намози зиммаларидан соқит бўлади.

«Оламгиря», «Мухтасар»,
«Бадоеъ», «Канз»

354-ФАТВО

Жума ўқилмайдиган кичик қишлоқдан шаҳарга бир кун туриш учун келган одам жума кунига тўғри келиб қолса, жума намозини ўқиши зарур. Лекин шу куни уйига қайтадиган бўлиб қолса, жума ўқиши лозим эмас. Аммо шунда ҳам жумани ўқиб кетса, ажрага эга бўлади.

«Оламгиря», «Қозихон»,
«Тажнис»

356-ФАТВО

Арафотда жума намози ўқилмайди. Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ сўзларига кўра, бир шаҳарнинг бир неча жойида жума намози ўқилиши мумкин. Шу сўзга амал қиласиз.

«Оламгиря», «Мұхит», «Хулоса»

6-бетда



Масала

5-бетда

359-ФАТВО

Жұма намозидан олдин имомнинг хутба ўқиши фарз. Хутбаниң фарзлари бизнинг ҳанафий мазҳабимиз бўйича иккита. Биринчиси, пешин вақтида, лекин жумадан олдин ўқилиши. Иккинчиси, Аллоҳ таолонинг гзири. Яъни, ҳамду сано ётахлил ёки тасбех айтилиши. Хутбаниң суннатлари ўн бешта: таҳоратли бўлиш, тик туриш, қавмга юзланиш, “Аъзу...”ни ичидаги айтиш, хутбани қавмга эшиггириш, ҳамд билан бошлаш, Аллоҳнинг зоту сифатларига хос санолар ўқиши, икки шаҳодат калимасини ўқиши, Пайғамбаримизга салавот айтиши, мўминларга панду насиҳат қилиш, оятлардан ўқиши, иккинчи хутбада ҳамду сано ва салавотларни тақороран айтиш, мусулмонлар ҳаққига дуо қилиш, ҳар иккى хутбани қисқароқ ўқиши, икки хутба орасида бироз ўтириб олиш. Хутбани минбарда айтиш ҳам суннат амалларданadir.

«Оламгиря», «Шарҳи Ҳидоя»,
«ал-Бахр»

361-ФАТВО

Жұма хутбасини ўқишуңун имом минбарга чиқиши билан намозхонларга ҳар қандай намоз, гап, салавот, ебичиши каби амаллар тақиқланади. Ҳатто бирор ножӯя ишқилаётган бўлса, уни қайтариш учун овоз чиқармасдан, қўл билан ишора қилиш лозим.

«Оламгиря», «Мұхит», «Хулоса»

362-ФАТВО

Жұма хутбасига ҳозир бўлганлар тиз чўкиб ўтирадими ё чордона қурибми ёки бошқача ўтирадими, фарқи йўқ. Лекин намозда ўтиргандек чўккалашиб ўтириш мустахабдир.

«Оламгиря», «Музмарот», «Меърој»

“Минг бир фатво” китобидан

“Роз ифшо қилмангиз...”

Динимиз ўзгалар сирини сақлаш ва ошкор этмасликка буюради. Зоро, сир сақлаш омонатдорлик саналиб, уни ёйиш эса хиёнат ва гуноҳ ҳисобланади. Бойси, сир очилган инсон бирор мусибатга учрайди, сирни очган эса одамлар орасини бузиш учун гап ташиб юрадиган чақимчига айланади.

Шуаро сурасининг 107-оятида пайғамбарларнинг ўз қавмлари билан бўлган муносабатларида омонатдор эканликлари таъкидланади: «**Албатта, мен сизлар учун ишончли** (омонатдор) **пайғамбардирман**».

Таъбир жоиз бўлса, омонатдорлик сир сақлай олишда яққол намоён бўлади. Келинг, ҳазрат Алишер Навоий бу мавзуга қандай ёндашгани ва уни қандай ифодалаганини ўрганиб чиқайлик.

Шоирнинг қуйидаги ғазалида сир сақлаш, сирдошга эътиборли бўлиш одоблари бундай акс этади:

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,
Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.

Мазмуни: “Элни маҳрам – одамларни сирдош деб ўйлаб, роз ифшо қилмангиз – сирларингизни очманг. Токи бошингизга юз балони ортириб олманг.”

Зоро, Расууллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам бежиз уқтирганлар: “**Ишларингизнинг муваффақиятли яқунланишини истасангиз, уларни яширинг. Чунки ҳар бир неъмат эгасининг ҳасадчиси бордир**” (Имом Табароний ривояти).

Дарҳақиқат, бирорнинг қай дарражада омонатдор эканини билмай туриб, унга сирларини очган қишининг бошига балолар ёғилади.

Фош қилманг роз, чунким асрай олмай қилдингиз,
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Ичингизга сиғдира олмаган сирни бошқалар қандай қилиб

қалбида сақласин?! Мантиқан олганда, бу ақлли одамнинг иши эмас. Зоро, ҳикматларда: “Ўз қалбинг сиринг учун ўзганинг қалбидан кўра кенгроқдир. Ўз қалбинга сиғмаган сир ўзганикига ҳам сиғмайди”, дейилган.

Ишқ асрорига тил маҳрам
эмастур зинҳор
Ким, кўнгулдин тилга они
ошкоро қилмангиз.

Шоир таъкидлашича, инсон кўнглида кечаетган сирларни тилга ошкор этдими, энди унинг сирлиги қолмайди. Чунки ишқ сирларига тил зинҳор маҳрам (дўст) эмас. Шу боис уни кўнгилда сақланг ва зинҳор тилга чиқарманг. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Чун кўнгулдур қалбу тил
ғаммоз, маҳфий розни
Жон ҳаримидин бу иккига
хувайдо қилмангиз.

“Қалб” деб луғатда “бир нарсани ағдариш”га айтилади. У бир ҳолатда турмай, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун ҳам “қалб” деб аталган. “Ғаммоз” – чақимчи. “Ҳарими” – маҳрами. “**Хувайдо**” – ошкор қилмоқ. Байтдан англшилишича, қалб ўзгариб турувчи, тил эса чақимчидир. Шундай экан, розни жоннинг маҳфий хонасидан бу иккисига ошкор қилмоқ асло мумкин эмас.

Бир ҳакимдан: “Сир агар иккidan ошиб кетса, ёйилиб кетади” деган ҳикматда нима назарда тутилган?” деб сўрашганида, у зот: “Бу ерда икки лаб ҳақида гап кетяпти. Агар сир икки лабдан ошиб, ташқарига чиқса, унинг ошкор бўлгани шу!” деб жавоб берган экан.

Чун кўнгул тил бирла маҳрам
бўлмади, ҳожат эмас
Айтмоқум, элга андин
нукта имло қилмангиз.

Ҳазрат Навоий сирни бирор қишига айтишина эмас, ёзб қолдиришни ҳам маъқул топмайди. Чунки сир қоғозга битилгач, кимдир барibir бир кун уни ўқииди ва элга ошкор бўлади.

Саҳв этиб, чун роз дуррин сочtingиз, нозим бўлуб Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз.

Нозим, яъни ёзувчи сифатида қалбингиздаги роз дурларини – ишқ сирларини сочиб юбориб, хатога йўл қўйдингиз. Хўш, энди оҳу фарёдингиз “дуд” – тутунини “саҳоб” – булат, кўз ёшларингизни дарё қилиб йиғлашдан не наф? Шоирнинг ушбу фикрлари буғуниги кундаги айрим инсонларнинг ҳолатига ҳам мос. Ижтимоий тармоқларда ўзининг ёки бошқаларнинг сирини бутун оламга ёйиб, кейин кўз ёш тўқаётган замондошаримиз бу ўгитга қулоқ тутишса, фойдадан холи бўлмас эди.

Чок-чок айлаб кўнгулни,
тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга, аларнинг ёди
қатъо қилмангиз.

“Қатъо” – кесмоқ, узмоқ. “Ёди” – эслаш, хаёлга келтириш. Ҳа, сирни ошкор қилиб қўйгач, кўнглингизни чок-чок ииртиб, тилингизни юз тилимга ажратиб, итларга ташлаб юборсангиз ҳам уларнинг ёди (ағус-надомат)дан қутулмайсиз.

Унинг зарари ҳечам сизни тарк этмайди. Яхшиси, бу хатони қилманган маъқул.

Чун Навоий ишқ розин асрай
олмай қилди фош,
Отини роз аҳли түмморинда
иншо қилмангиз.

Ҳазрат Навоий ғазал мақтаъида фоят назокат билан ўзини “**ишқ розин асрай олма**” ганлиқда айблаб, “роз аҳли” – сир сақловчилар марта басига эриша олмагани учун маломат қиласди.

Таъкидлаш жоиз, инсоният бор экан, бу мавзу ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди. Улуғ шоирнинг ҳикматга тенг сатрлари эса бу борада бизга тарбия вазифасини бажаради.

Олимжон ОБИДЖОНОВ,
Кувасой шаҳар “Ислом” масжиди имом ноиби.

Тарбия

Конфетдан бошланган фожеа

Каримберди хотини Гулбодом билан дўстиникига меҳмонга боришиди. Дастанурхон турли ноз-неъматларга тўла. Мехмондорчилик бир маҳалгача давом этди. Қайтишда Гулбодом ҳеч кимга билдиримай, ўзига ёқкан шоколаддан биттасини олиб чўнтағига солди... Уйга келишганида қаршиларига уч ўшдаги Садирхон югуриб чиқди. Гулбодом чўнтағидаги шоколадни ўғлига берди. Бола конфетни еб бўлгач, “яна беринг”, деб хархаша қилди... Бу ҳол

бундан кейин ҳам бир неча марта тақрорланди. Гулбодом қаерга меҳмонга борса, у ердан бирор нима “эплаб” келадиган бўлди.

Ийллар ўтиб, бу воқеалар эсдан ҳам чиқиб кетди. Садирхон бир пасда улғайиб, уйланадиган ўшга етди. Унга тагли-туғли оиласдан келин танлашди. Тўй бўлиб ўтди. Келин-куёв аҳил яшай бошлади. Фақат Садирхоннинг бир одати хотинига эриш туолди. Чунки эри қаерга

борса, ўша ердан ниманидир чўнтағига солиб келарди. Бора-бора бу иллат катталашди. Уйда шубҳали буюмлар пайдо бўла бошлади. Охир-оқибат Садирхон каттароқ жиноятга кўл урди. Ўртоғининг генгил автомашинасини ўғирлашда айбланиб қамалди. Хотини жажжи қизчаси билан қолди.

Бу воқеадан ота-она даҳшатга тушди. Айниқса, она кучли изтиробда ёнди. У: “Барчасига мен

айборман”, деб ич-этини ерди. Эри: “Нега нуқул ўзингни айблайсан?” деб сўрайвергач, шоколад воқеасини гапириб берди. “Ўғлимни ўғирликка мен ўргатдим, жигарбандимнинг ҳаётини барбод қилдим”, деб кўксига урди. Онаизор изтироб чека-чека сурункали касалликка гирифтор бўлди.

Тўлқин МУҲИДДИН, ёзувчи

Мусулмонларниң аграр соҳадаги изланишлари

Мусулмонлар “ботаника ва фармакологиянинг кашфиётчилари” сифатида васфланади. Шу боис уларнинг бу соҳадаги ҳиссалари адолат билан тан олинади. Фарбнинг нуғузли университетларидағи фармакология тадқиқотчилари таянадиган мұлтабар китоблар ушбу ҳақиқатни тасдиқлайды. Сабаби, манбаларнинг аксарияти мусулмон олимлари томонидан битилган бўлиб, европалик олимлар томонидан фаол таржима қилинган. Фарбнинг аксарияти олимлари ўзларининг асарларида улардан иқтибос келтирадилар¹.

Мусулмон оламида агрономия бўйича биринчи китоб “Китабул филаҳа” бўлиб, Хасра Ибн Вахшийя томонидан ёзилди. Кейинги ўринда Андалусияда Кордовадан Захровий (Абулкасис) томонидан ёзилган “Мухтасар китабул филаҳа” китобини келтириш мумкин².

XI аср агрономи Ибн Бассол Толедода ўсимликларнинг 177 тури тасвирланган “Девонул филаҳа” асарини тақдим этади. Ибн Бассолнинг амалий ва тизимли китобида фойдали ўсимликларнинг барглари, илдизи, сабзавотлари, ўтлар, зираворлар ва дараҳтлар ҳақида батағсил тавсиф берилган. Шунингдек, уларни кўпайтириш ва парваришлаш усуллари тушиунирилган³. Олим ўз асарида ернинг 16 хил тури, табиати, хусусиятлари ҳамда унумдор ерни ёмонидан фарқлашни ўргатади. Яна ернинг табиати, ранги ва қишлоқ ҳўжалигидаги афзаллик ёки камчиликларини таҳлил қиласди. Ернинг яшовчанлиги йилнинг фаслига боғлиқлигини айтиб, ҳар бир рельефда ўсадиган турли ўсимликларни ажратиб кўрсатади⁴.

Ушбу китоблар қишлоқ ҳўжалигининг ганъянавий амалиёт сифатида ҳам, илмий фан сифатида ҳам аҳамиятини намойиш этади⁵. Андалусияда агрономия қўлланмалари олимларнинг янги сабзавот ва мевалар турларини излашларига ва ботаника бўйича тажрибалар ўтказишига сабаб бўлгани ҳақида далиллар бор. Ўз навбатида, бу минтақа қишлоқ ҳўжалигидаги ҳолатнинг яхшиланишига ёрдам берди⁶.



Мусулмонлар Испанияга келганида, ер ресурсларининг озлиги сабаб озиқ-овқаттан қислиги ва ўсимликларнинг хилма-хил эмаслигини кўрдилар. Рим қишлоқ ҳўжалиги, деярли ҳеч қандай ўзгаришсиз, асосий элементлари дон бўлган вестготлар томонидан сақланиб қолганди. Мева ва сабзавот деярли етиштирмаган Европанинг қолган қисмида ҳам ҳолат худди шундай эди. Бу ва зиятдан келиб чиққан ҳолда, Андалусиядаги умавий раҳбарларнинг сиёсати қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришиб билан боғлиқ барча ишларни илгари сурди. Бунинг учун, биринчи навбатда, иқлимга мос янги ўсимлик турларини экишини жорий қилдилар⁷.

XI асрнинг иккинчи ярмида Толедо ҳукмдори Маъмун турли ўсимликларнинг уруғини олиб келишучун боғбони Иброҳим ибн Бассолга Шарққа саёҳат қилишни буюрди. У бошқа мўъжизалар қаторида апельсин уруғини ҳам келтирган. У ўз сафарини Валенсияда бошлаб, Сицилия, Миср, Сурия ва Ироққа ташриф буюрган. Ибн Бассол саёҳатининг сўнгги нуқтаси шимолий Ҳиндистон эди. Ўша мамлакатларда апельсинлар “нарангах” деб номланган ва араблар уларни “нараний” ёки “наранжий” (форс тилида “апельсин”) деб атайди бошладилар.

Шундай қилиб, улуғвор Толедо шаҳрида биринчи уруғлар ўсади. Ушбу дараҳтларнинг гўзалигидан ва меваларидан мамнун бўлган Маъмун Сарагоса ва Валенсия ҳукмдорларига ҳам апельсин уруғини юборади. Вақт ўтиши билан Ибн Бассол боғдорчилик, ботаника ва фармакологияни

ўрганиш мактабининг асосчисига айланди (фармакологияда апельсин пўсти ишлатилган). Биринчи шундай боғлардан бири Севиля қироллик боғи эди, унинг боз боғбони Иброҳим ибн Бассол эди.

Гулхайри XIII асрнинг ўрталарида Европага келган яна бир ўсимлик. Узун новдалари анъанавий равишда бутун Евроосиёда қишлоқ үйларининг боғларини безатиб келган. Ушбу ўсимликнинг кўплаб навлари Ўрта Осиёдан келган, уларнинг тасвирлари кўплаб миниатюра расмлари, хусусан, XV аср ўрталарида Ҳиротсанъат мактабида чизилган расмларда кўринади⁸.

Ҳозиргача лола биринчи марта Голландияда ўстирилган деб ишонилган. Тадқиқотчилар эса XI асрнинг таникли агрономи Ибн Бассол биринчи бўлиб бу жойларга лолаларни олиб келиб ўстира бошлаган деб ҳисоблашади. Қизиғи шундаки, унинг исми араб тилида “пиёз сотувчининг ўғли” деган маънени билдиради.

Европа лолалари ҳақида эслатма нафақат Абулхайр асарида, балки Ибн Аввомнинг “Китабул филаҳа” асарида ҳам учрайди. Унда Ибн Аввом лолани “Македон пиёзи” деб атайди ва бу ҳақда қўйидагиларни айтади: “Бу худди сариқ заъфаронга ўхшайди, Македониянинг Искандария вилоятидан келган. Унинг гуллари ички томони сариқ, ташқи томони пушти, барглари куб шаклида йифлади. Нам ва тоғли жойларда ўсадиган яна бирчиройли ва хушбўй гул бу сариқ заъфарондир”.

Дастлаб “куб шаклидаги македония пиёзи гуллари”нинг таърифи

олимларни бутунлай чалкаштириб юборди ва улар дарҳол уни лола сифатида аниқлашмади. Бу Ибн Аввом матни “Умдатуттабиб” билан солиширилгандан кейингина маълум бўлган. Ўсимликнинг барглари, илдизлари ва гулларининг морфологик тасвифлари тадқиқотчиларга жуда фойдали бўлди. Охир-оқибат, бу маълумот ҳақиқатан ҳам Европада лола ҳақида биринчи эслатма бўлгани аниқланди⁹.

Мусулмонлар нафақат ярим оролда, балки бутун Европада жуда машхур янги маҳсулотларни тақдим этдилар. Масалан, бақлажон асли Ҳиндистондан бўлиб, Эрон орқали Ўрта Ер денгизи бўйлаб тарқалди. Бундан ташқари, қовок, бодринг, ловия, саримсоқ, пиёз, сабзи, шолғом, исмалоқ ва бошқалар энг кўп экилган сабзавотлар эди¹⁰.

Андалусияда Шарққа экспорт қилинадиган анжир Абдураҳмон II даврида Константинополдан ярим оролга олиб келинган. Лимон, грейфрут ва апельсин каби цитрус мевалар Шарқий Осиёдан олиб келинган. Улар, асосан, шарбат тайёрлаш учун, гуллари эса парфюмерия саноатида эссенцияларни тайёрлаш учун ҳам олинган¹¹.

Умуман олганда, ўрта асрларда Андалусия ва бошқа мусулмон мамлакатларида сабзавот ва мевали дараҳтларнинг навлари сезиларли дарражада ўсади. Уларнинг баъзилари аллақачон хитойлар, форслар ёки ҳиндларга маълум бўлган бўлса-да, аммо Ғарб оламида тарқалишига мусулмон ботаниклари катта ҳисса қўшган десак, адашмаган бўламиз¹².

Манбалар асосида
Мунаввар НИЁЗАЛИЕВА
тайёрлади.

¹ رندہ عطیہ، علم الزراعۃ: کیف طورِ المسلمين أقدم علوم الأرض، 2022 <https://www.noonpost.com/content/43676>

² Ruggles, D. Fairchild (2008). Islamic Gardens and Landscapes. University of Pennsylvania Press. pp. 32–35.

³ Ibn Baššāl: Dīwān al-filāḥa / Kitāb al-qasd wa'l-bayān»

⁴ https://www.balansiya.com/herencia_agricultura.html

⁵ Ruggles, D. Fairchild (2008). Islamic Gardens and Landscapes. University of Pennsylvania Press. pp. 32–35.

⁶ Ruggles, D. Fairchild (2008). Islamic Gardens and Landscapes. University of Pennsylvania Press. pp. 36.

⁷ https://www.balansiya.com/herencia_agricultura.html

⁸ Caroline Stone, Flowers from the East. Saudi Aramco World, 38 p.

⁹ <https://www.infox.ru/news/8/14658-gollandskie-tulpany-opozdali-na-500-let> Снежана Шабанова, Голландские тюльпаны опоздали на 500 лет

¹⁰ https://www.balansiya.com/herencia_agricultura.html

¹¹ https://www.balansiya.com/herencia_agricultura.html

¹² https://www.balansiya.com/herencia_agricultura.html

Отанинг суюнчиғи

Бу бола отасининг ёлғиз фарзанди эди. Ота уни якка ўзи катта қиласди. Аёли вафот этгач, иккичи бор уйланмади ҳам. Ўқитди, уйлантириди. Ўғли шаҳардан уйланди. Хотини қишлоқда яшаша кўнмагач, шаҳарда ижарада яшай бошлади. Ота ўғлининг 30 ёшига совға қилиб, ишхонасига яқин

жойдан икки хонали квартира олиб берди. Кутимаганда ота зиннадан йиқилиб, оёғини синдириб олди. Ўғил отасининг оёғини гипслатиб, ўзининг ўйига олиб кетди. Икки кун ўтмай, ёш келин хархаша бошлади. Ўғил ноилож отани қишлоққа қайтариб олиб келди. Ўттиз йил боққан фарзандининг

уйига уч кун сиғмади. Ҳовлидаги дараҳтлардан бирининг шохидан кесиб, отасига ҳасса ясаб бергач, уни амакисининг келинига тайинлаб, ўзи шаҳарга жўнаб кетди...

Ҳозир ота анча тузалиб қолган. Фақат унинг суюнчиғи энди ўттиз йил боққан ўғли эмас, балки ҳассадир.

Тарбия



Илм аҳли ўзини беҳожат тутсин

Олим ва солиҳлар ўзларини пулдорлардан узоқ тутишлари диннинг эъзозидир. Акс ҳолда, олимнинг гали одамларга таъсир қилмайди. Халойиқ олимларни ўзларига муҳтоҷ деб билса, улардан манфаат ололмайди. Киши динини улуғлагани учун савоб олади.

Ҳадисда “**Бир одам мевали дараҳит экса ва унинг мевасидан жониворлареса, унинг савоби дараҳит экуечига берилади**”, дейилган. Ҳолбуки, дараҳит экаётган киши жониворлар ҳам есин, деб ният қилмайди. Аксинча, бирор жонивор келса, уни ҳайдашни ният қилган бўлади.

Шунга қарамай, (гарчи буни истамаса ҳам) жониворнинг фойдаланишига сабаб бўлгани учун савоб олаверади. Худди шундай, ўзини бой-бадавлат кишиларга муҳтоҷ эмаслигини кўрсатган киши диннинг улуғланishiiga сабабчи бўлгани учун савоб олади.

Аллоҳ қўнгли синиқ кишилар биландир

Ҳазрат айтадилар: “Заиф, ҳеч кими йўқ киши ранжиш ўрнига хурсанд бўлиши керак. Чунки ота-она ҳам одатда қувватсиз, заиф боласини кўпроқ ҳимоя қиласи”.

Бир ҳадиси кудсийда Аллоҳ таоло: “**Мен диллари синиқ кишиларнинг ёнидаман**”, деб марҳамат қиласи. Рум доноси хўб айтган:

Тифл то гийрону то пўён набуд,
Марқабаш жуз гардан бобо набуд.

Таржимаси: Гўдак то ушлайдиган ва юрадиган бўлмагунича, унинг улови отасининг елкасида бўлади, бошқа нарса эмас.

Қувват ва заифлик, бирор мулкка эга бўлиш ва йўқсилликнинг барчаси Холиқ ва Молик

томонидандир. Ҳар бир нарсада унинг асрлари ва хосиятлари намоён бўлади. Аллоҳ таолонинг раҳмати ҳар бир кишига турли кўринишида келади. Шунинг учун ғайри ихтиёрий ишларда Аллоҳ таоло кимни қайси ҳолда пайдо қилган ва қандай ҳолда турғизган бўлса, уни айни ҳикмат ва фойда деб билиб, унга рози бўлиш керак. Ғайриихтиёрий ишлар саъӣ-ҳаракатнинг майдони эмас. Заиф яратилган кишининг паҳлавон бўлишини, қора танли одамнинг оқ танли бўлишини, насаб жиҳатидан паст одамнинг олий нараб бўлишини орзу қилиши лафва бекордир. Бундай одамлар Аллоҳ таоло Ҳакимдир, бизни қайси ҳолда тутган бўлса, биз учун ўша нарса хайр ва яхшидир, эҳтимол, ҳолимиз бошқача

бўлганида турли гумроҳликларга мубтало бўлармидик, дейишлари лозим. Қуръони каримда айтилади: «**Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг!**» (Нисо сураси, 32-оят).

Бу ғайриихтиёрий ишларга тегишли. Ихтиёрий ишларнинг ҳукми бўлакча: ундан ишларда ҳаракат қилиб, олдинга чиқиш фикрини қилиш керак. Зоро, Қуръони каримда: «**Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақвадорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари** (солиҳ амаллар қилиш билан) **шошилингиз!**» дейилган (Оли Имрон сураси, 133-оят).

“Мажолису Ҳакимил умма” асаридан

Ёрқинжон ФОЗИЛОВ маржимаси.

Ҳамдардлик

Маълумки, 6 феврал куни Туркияning жануби-шарқий вилоятларида кучли зилзила юз берди. Ҳалқимиз табиий оғат оқибатларини қалбига яқин олиб, чукур қайғу ва ҳамдардлигини билдиromoқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Ҳолиқназоров Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси профессор, доктор Али Эрбошга ҳамдардлик мактубини ўллади.

7 февраль куни юртимиздаги барча масжидларда пешин намозидан сўнг жамоат билан Туркиядаги зилзила оқибатida вафот этганлар ҳақига Қуръони карим

хатмлари бағишланиб, хайрли дуолар қилинди.

Ҳақ таолодан кучли зилзила оқибатida вафот этган марҳумларни мағфират қилишини, яқинларига сабр-матонат беришини сўраймиз, жабр чекканларга тезроқ шифои комил ато этишини тилаймиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати



Отамни қийнарди Макка соғинчи

Отам Яссавийни ўқириди тунлар, Машрабни ўқириди ўқолиб тинчи. Энди ўйлаб кўрса, балки у кунлар Отамни қийнарди Макка соғинчи.

Иброҳим Адҳамдан ривоят қиласа, Тинглардик, айтарди беҳисоб қисса. Воҳ, умр экан-ку жуда ҳам қисқа, Отамни қийнарди Макка соғинчи.

Расули акрамни сийратларидан, Сифатлари ҳамда суннатларидан. Ўқириди, тинглардим вужудим билан, Отамни қийнарди Макка соғинчи.

Отамнинг соғинчи ўйлбошчим бўлди, Ҳожи боболарим сирдошим бўлди. Ҳожи момоларим қўлдошим бўлди, Маккага етказди отам соғинчи.

Олис кечалари қочади уйқу, Юракни ғижимлар изтироб, қайғу. Китоблариз олам зулмат, қоронгу, Қўнглимини ўртайди отам соғинчи.

Дошмо Етти пир Ҳожа Нақшбанд, Сўфи Аллоҳёрга фикри эди банд. Навоий, Жомийга ихлоси баланд, Отамни қийнарди Макка соғинчи.

Тилидан тушмасди Юсуф-Зулайҳо, Фузулий, Огаҳий, Ҳофиз, Ҳувайдо. Лайли билан Мажнун, Тоҳир ва Зухро, Отамни қийнарди Макка соғинчи.

Энди Яссавийни ўқийман тунлар, Машрабни ўқийман, ўқолар тинчим. Муҳаммад Мустафо уммати улар, Мени ҳам ўртайди Макка соғинчи.

Мамадиёр ХУШМАТОВ,
Хатирчи

Muassis:
O'zbekiston musulmonlari idorasи "Shamsuddinxon Bobonov" NMU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Ислом Қурған

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahir hay'ati:
Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Jaloliddin XAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OUROV
Muhammadsharif UMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islamiddin ZUHRIDINOV
Rustam JAMILOV
Muzaffar KAMOLOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar 18-berkkocha, 47-a уз.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyat.uz

Nashr ko'satskichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Azizbek XOLNAZAROV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
31.01.2023
Xulosa (№03-07/767) olindi:
09.02.2023
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.500
227/2-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkkocha, 47-a уз.

Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ноҳоиз жойларга қўйман!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!
في الجريدة آيات وأحاديث .
لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!

